



## ХУДУДЛАРНИНГ “ЎСИШ НУҚТАЛАРИ” БЕЛГИЛАБ ОЛИНГани ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТИР

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, муҳим ижтимоий дастурлар ижроси билан танишиш мақсадида 16 ноябрь куни Сурхондарё вилоятига келди.



Дастлаб буюқ олим Ҳаким ат-Термизий мақбараси зиёрат қилинди. Қуръон тиловат этилиб, юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тиланди. Улампалар билан суҳбатда бугунги таҳликали замонда содир бўлаётган турли низо ва урушлар туфайли бегуноҳ инсонлар қони тўкилатгани қайд этилди. Бу юртимиздаги тинчлик-осойишталик қадрини янада теран англаиб, инсонлар қони тўкилатгани қайд этилди. Бундай улуғ неъматлар аҳамиятини, Термизий каби боболаримиз илм-маърифатини ёшларга етказиш муҳимлиги таъкидланди. Шу масалалар бўйича Термизда илмий конференция ўтказиш тақлифи илгари сурилди.

Вилоят иқтисодиёти сўнгги йилларда замонавий саноатни йўлга қўйиш, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва текстиль соҳасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш орқали янада юксалмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ғояси асосида жанубдаги воҳа салоҳиятидан келиб чиқиб, ҳудудларнинг “ўсиш нуқталари” белгилаб олингани одамларнинг турмуш даражасини ошириб, тинч, тўкин ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилаётир. Президентимизнинг жорий йил 13 март куни вилоятга ташрифи чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан белгилаб берган вазифалари ижроси ҳам юрт ободлиги ва Сурхон аҳлининг фаровон ҳаётини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, йилнинг ўтган 9 ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 29,4 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 105,2 фоизга етди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,9 триллион сўмни, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 1,7 триллион сўмни, пудрат ишлари 5,2 триллион, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 24,2 триллион, хизматлар ҳажми 11 триллион сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига

ҳисоблаганда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,4 миллион сўмга етказилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,7 фоизга ўсиш таъминланди. 161,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар Хитой, Россия, Покистон, Туркия, Афғонистон, Қозоғистон каби дунёнинг 27 давлатига экспорт қилинмоқда. Дастурлар асосида 1,3 миллиард долларлик 1 минг 36 лойиҳа амалга оширилмоқда. Вилоят иқтисодиётида юз бераётган бундай оламшумул ўзгаришлар одамларнинг бандлик масаласини ҳал этиш, барча замонавий қулайликларга эга уй-жойлар қуриш, йўллар, таълим, тиббиёт ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини тубдан реконструкция қилиш, янгиларини барпо этиш сингари ишлар қўламини кенгайтди. Масалан, ўтган йилнинг 9 ойида 203 минг 300 иш ўрни ташкил этилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 353 минг 300 та иш ўрни яратилди.

Яқин йилларда ҳам аграр ҳудуд бўлган вилоят иқтисодиёти юксалиб, даромад манбаи ошаётгани камбағаллик даражасини 13,8 фоиздан 11,2 фоизга камайтирди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташриф доирасида Бойсун туманида бўлиб, халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган йирик лойиҳалардан бири — “Мустақилликнинг 25 йиллиги” газ-кимё мажмуаси қурилиши билан танишди.

Бу ерда газ қони бир неча ўн йиллар олдин топилган. Бироқ географияси мураккаблиги, ўша пайтда замонавий технология ва маблағ бўлмагани учун кон ўзлаштирилмаган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев қатъияти билан бу борада амалий қадамлар ташланди. Давлатимиз раҳбари 2019 йил апрель ойида бу ерда бўлиб, дастлабки қидирув ва техник-иқтисодий асослар билан танишган эди. Ўша йилнинг декабрь ойида заводни қуриш ишлари бошланди. “Surhan Gas Chemical Operating

Company” хорижий корхонаси томонидан амалга оширилаётган ушбу лойиҳанинг қиймати 2,9 миллиард доллар. Мажмуа йилига 5 миллиард метр куб газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Ҳозиргача қони ўзлаштиришга 1 миллиард 450 миллион долларлик инвестиция киритилиб, 20 та қудуқда бурғилаш ишлари якунланган. 11 та газ қудуғи синовдан муваффақиятли ўтган. Пойдевор ишлари ва металл конструкциялар қуриш деярли якунига етган.

Завод лойиҳалари ва қурилиши “Shell” компаниясининг лицензияланган технологиялари асосида олиб борилаётган. У энг илғор экологик талабларга мос бўлиб, ишлаб чиқаришдаги зарарли чиқиндиларни 99 фоиз зарарсизлантириш имкониятига эга. Бундай ускуналар МДХ давлатлари ичида биринчи бор ушбу заводга ўрнатилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, завод электр энергияни ҳам ўзи генерация қилади ва туман аҳолисига етказиб беради.

Давлатимиз раҳбари шу ерда геолог қидирув ва сейсмик тадқиқот ишлари якунлари билан танишди. Инвесторлар, қони ўзлаштиришда қатнашаётган мутахассис ва қурувчилар билан суҳбатлашди.

— Асосий мақсад газни хомашё ҳолатида сотиш эмас, уни қайта ишлаб, қўшимча қийматли маҳсулотлар олиш бўлиши лозим. Инвестиция тез вақтларда ўзини оқлаб, завод рақобатбардош бўлиши учун охириги маҳсулот сифатли ва юқори даромадли бўлишига эришиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу бўйича қарор ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Мажмуа Бойсун шаҳридан 20 километр узоқда жойлашган. Айни пайтда унинг қурилишида 7 мингдан ортиқ киши, махсус техникалар ишламоқда. Лойиҳанинг биринчи босқичи келгуси йил май ойида ишга туширилади, 2025 йилда тўла қувватга чиқади.

Давоми 2-бетда

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## “НАВОЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 65 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, кон-металлургия саноатини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш, мураккаб иш ва иқлим шароитларида минерал бойликларни самарали ўзлаштириш, тармоқнинг барқарор ишлашини таъминлаш, жаҳон андозаларига мос янги корхоналарни ташкил этиш борасидаги катта хизматлари, кўп миллатли меҳнат жамоасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, юқори малакали кадрларни тайёрлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қўйидагилар мукофотлансин:

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими” фахрий унвони билан**

**Ганиев Юлдаш Уринович** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Марказий

кон бошқармаси марказий таъмирлаш-механика цехи бошлиғи

**“Дўстлик” ордени билан**

**Аҳадов Хайрулла Рофиевич** — “Навоийуран” давлат корхонаси бош геологи

**Бахронов Фарҳод Шайимович** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бош директорининг инвестициялар ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари

**Жанахметов Серижан** — “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасасининг “Навоий” худудий бошқармаси “Фарҳод” маданият саройи яккахон хонандаси

**Кулешов Андрей Дмитриевич** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси “Мурунтоғ” қони бурғилаш қурилмаси машинисти

**Погосская Албина Ришатовна** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Зарафшон қурилиш бошқармаси 4-автокорхона кран машинисти

**Садинов Шухрат Мардонович** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бош маркшейдери

**Турганбаева Гулжамил Урабаевна** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси 3-Гидрометаллургия заводи қўлтириш, саноат чиқиндиларини зарарсизлантириш ва реагентларни тайёрлаш цехи катта устаси

**Цой Мая Васильевна** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси бюджетлаштириш ва контроллинг бўлими бошлиғи

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ | 2030

### ТАШҚИ СИЁСИЙ СТРАТЕГИЯ ФАЛСАФАСИ

халқ манфаатлари ва тинчликсеварлик  
тамойилида акс этади

Жаҳон майдонида содир бўлаётган туб ўзгаришлар, хусусан, геосиёсий таъсир доираларини “қайта тақсимлаш”га уринишлар, қуроли зиддиятлар ва бунинг оқибатида юзага келаётган давлатлараро ишончсизлик жараёнларининг тобора кучайиб бориши замонавий халқро тартибот тизими издан чиқишига сабаб бўлмоқда. Шундай экан, конструктив хамкорликни йўлга қўйиш ва тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириш ҳар бир давлат олдида турган долзарб вазифага айланиб улгурди.

Халқро муносабатлар тизимидаги мазкур ўзгаришлар Ўзбекистон миллий манфаатларини изчил ҳимоя қилиш ва ташқи сиёсий стратегияни шу асосда йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Мамлакатимиз ташқи сиёсати очиқ ва прагматик характерга эга бўлиб, у

суверен тенглик, ўзаро манфаатли хамкорлик, тинчликсеварлик, аҳил қўшничилик ва умумэтироф қилинган халқро нормаларга содиқлик тамойилларини ўзида муҷассам этади.

Давоми 3-бетда



# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ташкил этилганининг 65 йиллиги муносабати билан ишлаб чиқариш илғорларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Бошланиш 1-бетда

### “Шухрат” медали билан

**Беккулов Раззоқ Атакулович** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Жанубий кон бошқармаси “Зармитан” кони лаҳимчиси

**Бердиров Нуриддин Мамирзаевич** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Жанубий кон бошқармаси “Маржонбулоқ” кони олтин ажратиш цехи муҳандис-технологи

**Бободўстов Зафар Маждодович** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси куйма-чилик цехи бошлиғи

**Бўриев Насрулло Сафокулович** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси “Шарқий” очик усулда қазиб олиш кони бургилаш қурилмаси машинисти

**Закиров Аскар Ахмеджанович** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Жанубий кон бошқармаси 4-Гидрометаллургия заводи директори

**Иргашов Тулкин Ядгарович** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг “1-Гидрометаллургия заводи” кон бошқармаси 2-технологик цехи аппаратчиси

**Каримова Форуза Махназаровна** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси “Ауминзо-Амантой” кони технологик лабораторияси кимёвий таҳлил лаборанти

**Муҳаммедов Мехриддин Нормуродович** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси “Даугитзау” кони экскаватор машинисти

**Пулатов Вахиджон Бахтирарович** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармаси бошлиғи

**Умаров Шодиёр Шухратович** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси Автомобиль транспорти бошқармаси диспетчери

**Усмонов Ихтиёр Нормухаммадович** — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси 5-Гидрометаллургия заводи таъмирловчи-чилангари

### Ўзбекистон Республикаси Президенти

### Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 16 ноябрь

### ИҚТИСОДИЁТ

# МАҲСУЛОТ ЕВРОПА БОЗОРЛАРИДА ХАРИДОРГИР БУНИНГ БОИСИ НИМАДА?

Ўз йўналишида дунёдаги энг ноёблардан бири сифатида “Uzbekistan GTL” корхонаси кутилган натижани бермоқда. Бугун ушбу мажмуада ишлаб чиқарилаётган дизель ёнилғиси нафақат Осиё, балки Европа бозорларига ҳам кириб бораётгани бунинг тасдиғидир.



Этиборли жиҳати, корхона маҳсулотлари экологик тозаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Яъни GTL дизели оддийсига қараганда атроф-муҳит ва инсон учун камроқ зарар етказиши.

Ундан мунтазам фойдаланган транспортларнинг ёнилғи ва мойловчи қисмларига техник хизмат кўрсатиш оралиғи тахминан икки баробар узади.

Заводни электр энергияси билан таъминлашда ҳам инновацион ечим қўлланилган. Технологик жараёнда ҳосил бўладиган бугунги генераторларга юбориш орқали электр қуввати ишлаб чиқарилади. Мавжуд генераторлардан ишлаб чиқарилаётган қувват Шўртан конлари негизда жойлашган асосий ишлаб чиқариш объектларини узлуксиз таъминлашга йўналтирилади.

Жорий йил октябрдан “Uzbekistan GTL” заводида ўта паст ҳароратларга бардошли арктик турдаги GTL дизель маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу турдаги ёнилғини ҳар қандай аномал совуқда ишлатиш мумкинлиги айтилмоқда.

— Дизель маҳсулотлари мавсумийлигига қараб ёғи, қишки ва арктик турларига бўлиниши, — дейди завод марказий лабораторияси ходими Нурхон Нуриллаев. — Белгиланган стандартлар талабига кўра, ёғи ёнилғи ҳаво ҳарорати -5 даражача, қишкиси -32 даражача, арктик турдагиси эса -47 даражача бўлса, хусусиятини йўқотмайди. Янги

маҳсулотимиз эса -50 даража совуқда ҳам ўз ҳолатини сақлаб қолади.

Заводнинг ишлаб чиқариш жараёнида инновацион технологиялар, илғор трансформация жараёнлари татбиқ қилиниши, энергетика соҳасида нотинч ва нобарқарор пайтларда ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришнинг тезкорлиги ва мослашувчанлиги халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётди.

GTL дизель ёнилғиси патентланган “Sasol” технологияси асосида табиий газдан ишлаб чиқарилган мулук синтетик, юқори сифатли ўрта дистиллатли ёнилғидир. У Европанинг энг юқори стандартларига жавоб бергани учун “Евро 6” авлодига (К-6) мансуб бўлиб, премиум тоифадаги ёнилғилар қаторига кирилади.

GTL дизель ёнилғисининг аънаванавий ёнилғидан устунлик жиҳатлари шуки, у таркибида олтингурут ва ароматик углеводородлар деярли йўқлиги, цетан сони жуда юқорилиги, ўзи деярли ҳидсиз ва рангсиз экани билан EN15940 Европа стандартининг барча талабларига жавоб беради.

Европада “Uzbekistan GTL” маҳсулотлари сотуви аллақачон бошланди. Демак, каттагина сармоа ҳисобига қад ростлаган ийрик завод самара берапти. Бу эса келгусида иқтисодий-тимиз янада юксалиб, шу каби янги лойиҳаларни бошлашга замин яратди.

### Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

# ҲУДУДЛАРНИНГ “ЎСИШ НУҚТАЛАРИ” БЕЛГИЛАБ ОЛИНГАН ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТИР

Бошланиш 1-бетда

Президентимиз Сарийосиё туманидаги Тўпаланг гидроэлектр станциясида амалга оширилган модернизация ишларини ҳам кўздан кечирди.

Мамлакатимиз ҳам иқтисодий, ҳам аҳоли сони жиҳатидан ўсиб, энергетика қувватларига талаб йилдан-йилга ортмоқда. Буни таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан барча манбалар ишга солинмоқда. Жумладан, гидроэнергетикани ривожлантиришга катта уруғ берилляпти. Сўнгги йилларда 19 та янги гидроэлектр станция барпо этилди, 13 таси модернизация қилинди. Улардан энг муҳими Тўпаланг гидроэлектр станциясидир. У 2006 йилда ишга туширилган пайтда жами 30 мегаватт қувватли иккита агрегат бўлган.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг апрель ойида бу ерга ташриф буюриб, яна иккита гидроагрегат қуриш юзасидан топшириқ берган эди. Аввалига сув омбори тўғони қўшимча 20 метрга кўтарилди. Натияжада унинг сўғими 380 миллион куб метрдан 500 миллионга етказилди. Замонавий технологиялар асосида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, жами қуввати 145 мегаваттлик иккита агрегат ўрнатилди. Шу тариқа, Тўпаланг ГЭСининг умумий қуввати 175 мегаваттга етиб, Чорвоқ ГЭСидан кейин мамлакатимиздаги иккинчи йирик станцияга айланди.

Самарадорлигини айтганда, бу ерда йилга қўшимча 467 миллион киловатт/соат электр қуввати яратилди. Қарийб 167 мингта хонадоннинг электр таъминоти яхшиланди. Бу йилига ўртача 107 миллион метр куб табиий газни тежа-ш имконини беради.

Президентимизнинг жорий йил март ойида Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Тўпаланг гидроэлектр станциясини модернизация қилиш лойиҳасига старт берилган эди. Галдаги ташриф чоғида мазкур лойиҳа асосида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишилди. Шу ерда Тўпаланг дарёси негизда гидроэнергетика қувватларини ошириш бўйича тақдимот ҳам ўтказилди. Унга кўра, келгуси йилларда дарёнинг юқори қисмида қуриш учун 20 та истиқболли лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг умумий қуввати 264 мегаватт бўлиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари бу ишларни кенгайтириб, ҳар бир сой, имконияти бор ҳар бир маҳаллада микро ГЭСлар барпо этиш мумкинлигини таъкидлади. Шунингдек, Сурхондарёда кўмир қазиб олиш имкониятлари бўйича ахборот берилди. Қайд этилганидек, ҳудудда 82 миллион тонна кўмир захираси аниқланган. Бугунги кунда 541 минг тонна қазиб олинмоқда. Буни 2 миллион тоннага етказиш, мутахассислар тайёрлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари кўпайтирилмоқда. Жумладан, гидроэнергетикада бир оқим орқали кўп марта “яшил энергия” ҳосил қилиш мумкин. Шу боис, Президентимизнинг 2017 йил 17 октябрдаги қарорига мувофиқ, Тўпаланг дарёсида кичик электр станциялари ҳам қурилди. Хусусан, 2020 йил декабрь ойида 37 мегаваттлик “Зарчоб-1” ҳамда 2021 йил сентябрь ойида 38 мегаваттлик “Зарчоб-2” ГЭСлари ишга туширилди. Бугунги кунда уларда 48 мингта хонадонга етадиган электр энергияси ҳосил қилинмоқда.

Дарёнинг куйи қисмида яна бир кичик ГЭС — “Зарчоб-3” қурилиши лойиҳалаштирилган. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи чоғида унинг қурилишига тамал тоши қўйилди. Бу станциянинг қуввати 16 мегаватт бўлади ва йилига 70 миллион киловатт/соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарилади. У табиий ва қайта тикланувчанлиги билан аҳамиятли. Шунингдек, бошқа қувватлар асосан кундузи ишлаб чиқарилгани боис, бу йўналиш энергетика тизимида ростловчи вазифасини ҳам ўтайди. Олинадиган электр таннархи ҳам бошқа манбаларга нисбатан анча арзон. Ҳозирги тизим бўйича дарё суви махсус босим остида аввал Тўпаланг ГЭСига йўланади. Ундан кейин бир-биридан унча узок бўлмаган Зарчоб станцияларидаги парраларни айлантиради.

Шунингдек, хусусий сектор томонидан микро ГЭСлар барпо этишга ҳам кенг имконият берилмоқда. Бунинг учун ҳуқуқий, иқтисодий шароитлар яратилган. Жумладан, кичик ва микро ГЭСларни қуриш истағидаги тадбиркорларга

ерларни 20 йил муддатга ижарага бериш, улар ишлаб чиқарган электрни давлат томонидан кафолатли сотиб олиш тизими жорий қилинган. 2021 йилда Термизда бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятида ичимлик суви билан боғлиқ муаммога алоҳида тўхталган эди. Уша пайтда ҳудудда марказлашган тармоқлар орқали ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 60 фоиз атрофида эди. Президентимиз бу борада “Тўпаланг” сув омбори улкан ва тоза манба эканини таъкидлаб, уни аҳолига етказиш бўйича лойиҳа тайёрлаш вазифасини кўйган эди.

Ҳақиқатан, бу ҳавзага сув тоғлардаги қор ва муз эришидан йиғилади. Текширувларга кўра, бу сувнинг қаттиқлик даражаси 4 фоиз, фойдали минералларга бой ва муссаффо. Бундан фойдаланиб, Сурхондарё аҳолиси учун муҳим ижтимоий лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида сув омборидан то Термиз шаҳригача 380 километр металл қувурлар тортилди. Унинг 159 километри магистрал, 221 километри шаҳар ва туманларни боғловчи ички тармоқлардир. Шунингдек, сув тозалаш, босимни камайтириш ва сув йиғиш иншоотлари қурилади. Бугунги кунда 147 километр қувур тортиб бўлинди. Сув тозалаш, босимни камайтириш ва бешта сув йиғиш иншооти барпо этилди.

Сарийосиё тумани Богистон маҳалласида ушбу лойиҳанинг биринчи босқичини ишга тушириш маросими бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тўғани босиб, “обихаёт” йўлини очди. Мазкур босқичда сув Сарийосиё, Денов, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларига етиб борди. Вилоят аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминлини даражаси 70 фоизга етди. Яна бир муҳим жиҳати, сув ўз оқими билан тушиши туфайли 8,6 миллион киловатт/соат электр энергияси иқтисод қилинади.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида марказлашган ичимлик суви билан таъминлини даражаси 90 фоизга етказилади. Бундан Сарийосиё, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Бандихон, Қизилқум, Шеробод, Ангор, Музробо, Термиз туманлари ва Термиз шаҳридаги 2 миллионга яқин аҳоли баҳраманд бўлади. Лойиҳани 2024 йилда ниҳоясига етказиш мўлжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида Сарийосиё туманидаги Себзор маҳалласида бўлди. Бу ерда 7 минг 600 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Тўрта корхона, йигирмадан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида шу

Маълумки, Сурхондарёнинг иқлими эрта ҳосил олиш имконини беради. Лекин қишлоқ ҳўжалигида илмий ёндашув етишмаётгани кўрсатиб ўтилди. Шунинг учун вилоятда in-vitro лабораториялари ташкил этиб, уруғчиликни яхшилаш, умуман, Сурхондарё қишлоқ ҳўжалигини экспортга ихтисослаштириш зарурлиги таъкидланди. Боғ, тоғ ёнбағри ва дала четларини хатловдан ўтказиб, экинлар учун қўшимча имкониятларни ўрганиш, олимларни жалб этиб, маҳсулотлар ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, қайта ишлашни ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Маҳаллада ижтимоий масалалар ҳам манзилли ҳал этилмоқда. Йўллар таъмирланган. Қузқиш мавсуми олдидан трансформаторлар янгиланди, қўшимча симёғочлар ўрнатилди. Мактаб ва мактабгача таълим муассасасида зарур шароитлар яратилган. Яқинда маҳалла ҳудудида кичик тиббиёт пункти ташкил этилди. Президентимиз ундаги шароитларни кўздан кечирди.

Асосан, профилактик кўрик ва патронаж хизмати билан шуғулланадиган ушбу муассасада бир нафардан шифокор ва доя, икки нафар ҳамшира фаолият олиб боради. Маҳалла аҳолиси илгари 27 километр масофадаги шифохонга борар эди. Энди уларнинг узоғи яқин бўлди. Бу ерда болаларни эмлаш, сурункали беморларни соғломлаштириш ва уларнинг назоратини олиб бориш йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда тиббиёт ходимлари ва мутасаддилари билан суҳбатлашди.

— Мени энг кўп ўйлантирадиган масалалардан бири — халқимизнинг соғлиғи. Шунинг учун шифохоналар қуришга, ижтимоий дорилар таъминотига, тез тиббий ёрдамга катта маблағ ажратилляпти. Тиббиёт ходимларининг ойллик маошлари ҳам оширилди. Энди муҳими — аҳолини касаллик бўйича хавф гуруҳига ажратган ҳолда, манзилли даволаш ва соғлигини назорат қилиш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Масалан, бир ҳудуд аҳолисининг 30 фоизи касал ёки касаллиққа мойил бўлади. Маҳалладаги тиббиёт ходимлари уларга алоҳида эътибор қаратиб, аҳолини кузатиб бориши керак. Шу билан бирга, тўғри овқатланиш, кўпроқ пиёда юришнинг фойдасини кенг тушунириш, маҳаллаларда фитобарлар ташкил этиш мумкинлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонли Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмга ташриф буюрди.



ерлик ёшлар доимий иш билан банд. Маҳалла аҳли асосан боғдорчилик, чорвачилик ва сабзавотчилик билан шуғулланади. Утиздан ортиқ дехқон ва фермер ҳўжаликлари фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари “Баракатулло Давр Барака” фермер ҳўжалиги боғида бўлиб, полиз экинлари ривожини кўздан кечирди. Бу ерда 6 гектар олма, 1,3 гектарда хурмодан мўл ҳосил олинмоқда. Дарахлар қатор ораларида эртани экинлар, жумладан, оқ бошли қарам, пиёз, саримсоқпиёз етиштирилган.

Мамлакатимиз муҳофаа тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар қўшинларнинг жанговар салоҳияти ва ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини янада юксалтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Мазкур қисмда ҳам ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш учун барча шарт-шароит яратилган. Ўқув бинolari, маънавият ва маърифат хоналари, спорт зали энг замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган.

Давлат раҳбари ҳарбий қисмда яратилган шароитлар, чегарани қўриқлашда қўлланилаётган ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни кўздан кечирди. Бунда учувчисиз учиш аппаратларининг аҳамияти алоҳида таъкидланди, уларни ишлаб чиқариш масалалари муҳокама қилинди.

Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ошириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шахсий таркибининг шайлиги, замонавий қурол-аслаҳалар, учувчисиз учиш аппаратларини бошқариш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбарига “Bayraktar TB2” разведка-зарба учувчисиз учиш аппаратининг парвози намойиш этилди.

Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

### Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АВВАЛБЕКОВ, Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, Ўза муҳбири





ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ 2030

ТАШҚИ СИЁСИЙ СТРАТЕГИЯ ФАЛСАФАСИ

Халқ манфаатлари ва тинчликсеварлик тамойилида акс этади

Сухроб БЎРОНОВ, Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори

Дунёнинг турли бурчакларида авж олаётган кескин низолар шароитида Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт муҳити ҳукм сурмоқда. Табиийки, бундай муҳит ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Бу жараёнда Ўзбекистон ташқи сиёсий стратегиясининг ўрни ва бекиёс хиссаси бўлиб, у том маънода, минтақа халқлари ўртасида аҳиллик, биродарлик ва яқин қўшничилик муносабатларини ривожлантириш каби олий мақсадларни кўзлайди.

Бошланиши 1-бета

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош ҳуқуқий асоси Конституция ҳисобланади. Жорий йилда Конституцияга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ташқи сиёсатнинг халқчил бўлишига мустақкам замин яратди. Жумладан, Асосий қонунимизнинг ташқи сиёсатга бағишланган бобида иккита муҳим қўшимча ва ўзгариш киритилди. Биринчиси, 17-моддада Ўзбекистон ташқи сиёсатида аввал илгари сурилган тамойиллар қаторига "давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги" тамойили қўшилди. Ушбу тамойилнинг факулдада муҳимлиги шундаки, бугунги дунё тартиботида ҳудуд ёки макон учун кураш олиб бориш, қуролли низоларни келтириб чиқариш, ўз манфаатларини кўзловчи ташқи куч марказларининг ўзаро рақобати айнан ҳудуд учун содир бўлаётгани, бу эса халқро ҳуқуқнинг универсал ҳудудий яхлитлик тамойили бўлишига олиб келаётгани билан chambarchас боғлиқ.



Иккинчи ўзгариш эса ташқи сиёсат бобида янги 18-модда қўшилиб, унда "Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширади", деган қатъий банд киритилди. Эътиборли томони, ушбу қонунда мамлакатимизнинг глобал ва минтақавий муносабатлар тизимида тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширишга ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади.



"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам "Хавфсиз ва тинчликсевар давлат" тамойилига асосланган очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб боришга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб қўйилган. Айниқса, "Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатини халқ ва давлатнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда изчил амалга ошириш" деб номланган 90-мақсади халқчил ва тинчликсевар ташқи сиёсат юртишнинг аниқ тамойиллари ва мезонларини ўзида мужжасам этади. Хусусан, дунёдаги мавжуд мураккаб вазиятда очиқ, прагматик, фаол ва яхши қўшничилик сиёсати олиб борилишини изчил давом эттириш, ҳамкор мамлакатлар билан ва нуфузли халқро ташкилотлар доирасида минтақавий, глобал масалалар бўйича мувозанатли ва доимий мулоқотлар ўрнатилиши вазибалари белгиланган. Шунингдек, барча яқин атрофдаги давлатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини жадал ривожлантириш,



сиёсий, иқтисодий, маданий ва гуманитар йўналишлардаги икки ҳамда кўп томонлама музокараларни мунтазам ва самарали олиб бориш масалалари акс этган.

Марказий Осиё бирдамлиги сари

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё минтақаси замонавий халқро муносабатларнинг стратегик марказларидан бири ҳисобланади. Бугунги кун ҳақиқати шуки, минтақанинг тинчлиги, барқарорлиги ва тараққиёти масалалари Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий қарорлари ва стратегиясида chambarchас боғлиқ.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг Марказий Осиёнинг барча давлатлари, шунингдек, Афғонистон билан бевосита чегарадош экани, бошқа томондан, Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг минтақа тақдирига дахлдор ташқи сиёсий ташаббуслари Марказий Осиёдаги сиёсий муҳитнинг сезиларли ўзгаришига олиб келгани билан изоҳлаш мумкин.

Айниқса, Ўзбекистон ташаббуси асосида ишлаб чиқилган ва "минтақа

Ўзбекистон ташаббуси асосида ишлаб чиқилган ва "минтақа бешлиги"нинг ҳар бирида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви бугунги халқро муносабатлар тизимида Марказий Осиёнинг қайтадан уйғониши ва регионализм сари дадил қадам ташлаши учун фундаментал асос бўлмоқда. Маслаҳат учрашувининг мунтазам ўтказилиши натижасида Марказий Осиё минтақасига қизиқиш ўзининг юқори чўққисига чиқмоқда.

айланмаси 2,5 баробардан ошгани ҳам минтақадаги ишонч ва амалий ҳамкорликнинг ўзига хос ифодаси, десак муболага бўлмайди.

Дунёнинг турли бурчакларида авж олаётган кескин низолар шароитида Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт муҳити ҳукм сурмоқда. Табиийки, бундай муҳит ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Бу жараёнда Ўзбекистон ташқи сиёсий стратегиясининг ўрни ва бекиёс хиссаси бўлиб, у том маънода, минтақа халқлари ўртасида аҳиллик, биродарлик ва яқин қўшничилик муносабатларини ривожлантириш каби олий мақсадларни кўзлайди.

Ташқи сиёсатнинг юксак эътирофи

Глобал дунёда, жумладан, Евроосиё маконида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий вазни ва мавқеи нуфузли халқро

ташкилотлар томонидан муносиб эътироф этилмоқда. Биргина мисол сифатида Президентимиз томонидан 2017-2022 йилларда БМТда илгари сурилган 6 та ташаббус қисқа муддат ичида жаҳон ҳамжамияти томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

"Марказий Осиёда минтақавий тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқро ҳамкорлиқни мустақкамлаш", "Маърифат ва диний бағрикенглик", "Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш", "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш", "Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустақкамлаш" ҳамда "Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш" тўғрисидаги резолюциялар шулар жумласидан.

Кўриниб турганидек, 5 йил муддат ичида ҳеч бир давлатнинг бу қадар кўп сонли ташаббуслари БМТ томонидан қўллаб-қувватланган эмас. Бу ташқи сиёсий ташаббуслар бўйича БМТ тарихидаги рекорд кўрсаткич ҳисобланади.

Ўз навбатида, ўтган ва жорий ойлардаги эътирофларга назар ташлаш сарф, Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевга дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини мустақкамлашга қўшган улкан хиссаси учун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг олий мукофоти — МДҲ фахрий нишони ҳамда туркий халқлар оиласининг

бирлигини мустақкамлашга, туркий мамлакатларнинг манфаатлари ва қарашларини халқро майдонда фаол илгари суришга қўшган улкан хиссаси учун юксак мукофот — "Туркий дунёнинг олий ордени" каби олий мукофотлар берилиши, шаклбуҳасиз, Ўзбекистоннинг халқчил ва тинчликсевар ташқи сиёсатига берилган улкан баҳо ва эътирофдан далолат.

Хулоса ўлароқ айтганда, халқ манфаатлари ва тинчликсеварлик тамойили Ўзбекистон ташқи сиёсий стратегиясининг асосий фалсафаси ҳисобланади. Бундай стратегиямизнинг истиқболдаги муваффақияти миллий манфаатларни изчил илгари суриш, халқчил, тинчликсевар ва мувозанатлашган ташқи сиёсатни сақлаб қолишга бевосита боғлиқ. Ўзбекистон эса ана шу стратегия йўлидан оғишмасдан ҳаракат қилмоқда.

МУНОСАБАТ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛИЙЛИгини ТАЪМИНЛАШДАГИ МУҲИМ ФУРСАТ

давлат органлари масъулиятини оширишга йўғрилгани билан аҳамиятлидир.

Фармонда, аввало, янги тахрирдаги Конституциямизга мувофиқлаштириш учун Президентнинг айрим ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда. Улар қуйидагиларда ифодаланади.

Биринчидан, Судьялар олий кенгаши раиси ва аъзоларини, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори ва ҳамда Рақобатни ривожлантириш



Мухтабар ХУСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, юридик фанлар номзоди

Халқимизнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва хоҳиш-интилишларини ўзида мужжасам этган янги тахрирдаги Конституциямизнинг сўзсиз, тўғридан-тўғри ижро этилишини таъминлаш орқали, энг аввало, фаровонлик, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари такомиллашуви, давлатимизнинг дунё ҳамжамиятида нуфузи юксалишига эришилади.

Ҳар қандай ислохот кучли конституциявий-ҳуқуқий асосга таянганда, қўзланган стратегик мақсад ва самарали натижаларга йўл очади. Янги тахрирдаги Конституциямиз жамият ва давлат олдиди турган Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг ана шундай сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Ундаги халқларар давлат қуриш мақсади кучли парламент, илҳам ва масъулият ҳуқуқат, мустақил ва адолатли суд тизимини барпо этишга қаратилганга гувоҳ бўлиш мумкин.

Конституциявий ислохотларимиз янги тахрирдаги Конституцияни қабул қилиш билан қиёяланган қолмай, унинг амалийлиги, халқчиллигини, фуқароларимизнинг "Бу — менинг Конституциям!" дея оладиган даражадаги мақомини босқичма-босқич амалга ошириш чора-тадбирларини ўз ичига олади.

Янги тахрирдаги Бош қонунимиз ижросини таъминлашга қаратилган илк ҳужжат Президентимизнинг 2023 йил 8 майдаги "Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бўлди. Ҳужжатда янги

ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раисини Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими билан боғлиқ чекловлар қонун билан белгилашга оид талабдан келиб чиқиб, қонуности ҳужжатлардаги бундай чекловларни бекор қилиш. Ушбу норма давлат хизматчилари ҳуқуқларининг қонуний кафолатлари мустақкамлашига асос бўлиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келиши мумкин бўлган ноаниқликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Учинчидан, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилашда инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш заруратини ҳисобга олиш. Бу давлатимизнинг инсонпарварлик хусусиятларига ёрқин мисол бўлиб, бугун жаҳонда юз бераётган мураккаб иқтисодий муносабатлар жараёнида фуқароларимиз турмуш тарзи барқарорлашишига ҳуқуқий замин вазифасини ўтайди.

Фармонда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган янги тахрирдаги Конституция лойиҳасини тайёрлаш жараёнида Фуқаролар томонидан келиб

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисидаги конституциявий қонунга мувофиқ, янги тахрирдаги Конституция кучга киргунга қадар амалда бўлган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар унга зид бўлмаган қисмида қўлланилиши кўрсатилганидандир.

Шу билан бирга, вазирлик ва идоралар 2024 йил 1 январга қадар ўзлари қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни Конституцияга мувофиқлаштириш бўйича зарур чораларни кўриш вазифаси қўйилмоқда.

Конституцияга мослаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириб, заруратга кўра вазирлик ва идораларга ушбу масала бўйича тақдимномалар киритиб бориш Адлия вазирлиги зиммасига юклатилмоқда.

Фармоннинг эътиборли жиҳати "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги конституциявий қонунга мувофиқ, янги тахрирдаги Конституция кучга киргунга қадар амалда бўлган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар унга зид бўлмаган қисмида қўлланилиши кўрсатилганидандир.

Шу билан бирга, вазирлик ва идоралар раҳбарлари қуйидаги масалалар учун шахсан жавобгар экани белгилаб қўйилди:

— ўзларига бириктирилган соҳа ва тармоқларда янги тахрирдаги Конституция нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш; — амалдаги ва янги ишлаб чиқилган қонуности ҳужжатларда Конституцияга зид нормалар аниқланганда, уларни бартараф этиш бўйича ўз вақтида зарур чоралар кўриш;

— ўзларига бириктирилган соҳа ва тармоқларда Конституцияда фақат қонунлар билан тартибга солиниши назарда тутилган масалалар юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва ҳуқуқмат қилиш.

Шунингдек, фармон билан парламент аъзоларига янги тахрирдаги Конституцияда қонун билан тартибга солиниши белгиланган масалаларни қонуности ҳужжатлардан чиқариш ва қонун даражасига кўтариш бўйича ишларни амалга оширишда вазирлик ва идораларга услубий қўмақлашиш тавсия этилган ислохотлар жараёнида парламентнинг масъулиятини ошириб бераётганидан далолатдир.

Қўридаги асослар ва омиллар шуни кўрсатадики, Президентимизнинг бу фармони Конституция нормалари тўғридан-тўғри қўлланилиши, амалийлиги, халқларар сиёсат узвийлигини таъминлашга, бош қонунимизда мустақкамлашган устувор принципларни рўйбга чиқаришда, давлат органлари фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда самарали йўлга қўйишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.





ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# СУВ ТАНҚИСЛИГИ МУАММОСИ ЕЧИМЛАРИ

Яқин-яқингача Европа ва дунёнинг қатор ривожланган давлатларида бизга эриш туялган тежамкорлик масаласи бугун зарурат ўлароқ кундалик одатимизга айланиб бормоқда. Бинобарин, умумжамиyat нуқтаи назардан бу мавзуда ҳали мактанарлик натижага эришмаган бўлса-да, кўпчилигимиз ойлик харажатларни қисқартириш мақсадида электр энергияси ва табиий газ каби таъминотдан имкон қадар тежаб фойдаланишга ҳаракат қилияпмиз. Чунки уларни қанча кўп ишлатсак, ҳисоблагич шунча кўп пул ҳисоблаши, хизмат учун тўловни вақтида қила олмасак, улардан мосуво бўлишимизни яхши биламиз.

нинг илк аломатлари хозирдан сезилмоқда. Хусусан, юртимиз шароитида сўнгги 15 йилда ёғингарчилик миқдори 25 фоизга қисқаргани, ёз фаслида эса жуда иссиқ кунлар даврийлиги ортгани фикримиз тасдиқидир.

Сув танқислиги муаммосининг кўлами ортгани сайин иқтисодий зарари ҳам ошиб бориши мумкин. Буни давлатимиз раҳбари жорий йил 14-15 сентябрь кунлари Тожикистон пойтахти — Душанбе шаҳрида ўтказилган Орошни кўтариш халқаро жамағатини таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлисида аниқ рақамлар мисолида айтиб ўтди. Жумладан: “Марказий Осиёда сув тақчиллиги муаммоси ўткир ва муқаррар тус олди ҳамда бундан буён у тораба чуқурлашиб бораверади.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида 2040 йилга бориб сув ресурсларига бўлган эҳтиёж уч баробар ошади. Вақт ўтиши билан иқтисодий зарар ялли минтақавий маҳсулотнинг 11 фоизига етиши мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумоти кўра, хозирнинг ўзидаёқ минтақа давлатлари сув ресурслари тақчиллиги ва ундан самарасиз фойдаланиш оқибатида йилга 2 миллиард долларгача маблағ йўқотмоқда”, деди.

Мана шундай мураккаб бир шароитда қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришда исрофгарлик юқорилиги ҳам муаммо кўламини оширяпти. Маълумотларга кўра, республикада бугунги кунда сугоришга йўналтирилган 46 миллиард куб метр сувнинг 60 фоизига далага етиб борапти. Сугориш учун йўналтирилган сувнинг 40 фоизи сугориш тармоқларида, 20 фоизи эса даланинг ўзига йўқотиляпти. Демак, буни кескин камайтириш орқали вегетация даврида кузатилаётган 8-10 миллиард куб метрлик сув танқислигини қоплаш мумкин.

Президентимиз Қашқадарё вилоятига ташири доирасида 25 октябрь куни вилоятни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида бошланган ислохотлар аҳоли фаровонлиги ва иқтисодий-иқтисодий ривожини янги босқичга кўтарди. Ушбу жараёнда қаррасига ошаётган эҳтиёжлар маълум йўналишларда ҳақли танқисликни келтириб чиқармоқда. Эътиборли жиҳати, юзага келаётган тақчилликни бартараф этишнинг тизимли чоралари қўриляпти.

Маълумки, юртимизда сўнгги йилларда сув танқислиги муаммоси кўламини ортиб борапти. Бу бир томондан, глобал иқлим ўзгаришлари туфайли сув захиралари камайиб бораётгани билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан, аграр тармоқдаги йўқотишларда кўзга ташланмоқда.

Жумладан, аввало, захираларга тўхтаб қолган бўлса, халқаро таъкилотлар таъкилотларига кўра, 2040 йилга бориб сув танқислигига энг кўп учраши тахмин қилинаётган 33 давлат орасида Ўзбекистон ҳам бор. Мутахассислар фикрича, 2050 йилгача сув ресурслари юртимизнинг асосий сув манбаи ҳисобланган Сирдарё ҳавзасида 5 фоизгача, Амударё ҳавзасида эса 15 фоизгача камайиши мумкин. Бу-



ийгилишда ҳам ушбу масалага тўхталиб, экинларни сув билан таъминлаш масаласи йилдан-йилга қийинлашиб бораётганига эътибор қаратди.

Қайд этилганидек, бу муаммо Қашқадарё учун айниқса долзарб. Шунга қарамайдан, вилоятда сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш энг самарали ечим ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, ерларни лазерли текислаш, ариқ ва каналларни бетонлаштириш, сув хўжалиги объектиларини модернизация қилиш ҳамда экинларни тўғри жойлаштириш орқали ҳам юқори тежамкорликка эришиш мумкин.

Шу боис, вилоятга 15 та лазерли текислаш техникаси олиб келиниб, сув таъминоти оғир бўлган Косон, Миришкор, Қасби ва Нишон туманларида деҳқонларга арзон ва сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича вазифа белгиланди.

Сугориш тармоғини босқичма-босқич ёпиқ тизимга ўтказиб, 30 фоз сувни тежаш мумкин. Мутахассисларга каналларни бетонлаш, қўшимча насос ва техника олиш, “Пахтаобод” каналини модернизация қилиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

— Қишлоқ хўжалигида сув тақчиллигини қандай камайтириш мумкинлиги бугуннинг энг долзарб саволларидан бири бўлиб турибди, — дейди Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти эксперти Комилжон Қўзиёев. — Маълумки, ушбу йўналишда сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш энг самарали ечим ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, ерларни лазерли текислаш, ариқ ва каналларни бетонлаштириш, сув хўжалиги объектиларини модернизация қилиш ҳамда экинларни тўғри жойлаштириш орқали ҳам юқори тежамкорликка эришиш мумкин.

Тахлилларга кўра, қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш орқали сув сарфини 30 фоизгача камайтириш мумкин.

Сув танқислиги муаммосини камайтириш ҳақида гап борар экан, қурғоқчил шароитта мос яратилаётган экин уруғчилигига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бинобарин, селекциядор олимлар томонидан республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитида қурғоқчиликка чидамли, серхосил навлар яратиш бўйича тизимли ишлашлар олиб борилаётган.

Жумладан, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида пахтанинг серхосил, ташки муҳитнинг кескин ўзгаришларига чидамли, касаллик ва зараркундаларга чидамли, асосийси, сув танқислигига бардошли, тола сифати ва чиқими юқори бўлган “Султон”, “Гулистон” ва “С-8290”, шунингдек, институтининг Бухоро илмий-тажриба станциясида “Бухоро-6”, “Бухоро-102”, “Бухоро-8”, “Бухоро-10” каби навлари яратилдики, бу сув танқис жойларда ҳам юқори ҳосил олишга замин яратяпти.

Қишлоқ хўжалиги вазиридан маълум қилишларича, маҳаллий селекциядорларимиз россиялик олимлар билан ҳамкорликда ўта эрталишар “Ультра” бугўдай навини яратди. Ушбу навининг турдошларидан афзаллик жиҳати шундаки, ўта тезпишарлиги учун ресурстежамкор ҳисобланади. Яъни 1-2 марта кам сугорилиши ҳисобида 800-1500 метр куб сув иқтисод қилинади. Бундан ташқари, озик-ликанида азотнинг йиллик меъёри ўрта

“Жанубий Мирзачўл” ва “Дўстлик” магистрал каналларида сув йўқотилиши 5-6 фоизни, ички ариқларда эса 7-8 фоизни ташкил этади. Кейин сув даладар орасида ариқлардан оқиади ва бу тизимдаги шимиллиш ва буғланиш ҳисобида сув йўқотилиши 30 фоизга етади.

— Шуларни ҳисобга олган ҳолда дарё ўзанига энг яқин ерга сувни кўп талаб қилувчи экинлар, масалан шולי экин керак, — дейди эксперт. — Чунки бу ўсимлик гектарига 25 минг метр кубгача сув талаб қилади. Шунча миқдордаги сувни нисбатан олис ҳудудга етказиб бериш эса ҳам сув йўқотилишига, ҳам харажат ортишига олиб келади. Дарё ўзанига нисбатан яқин туманларга эса пахта ва сабзавотларни жойлаштириш керак. Сувдан узокроқ ҳудудларга эса ғалла, нўхат, мош каби сувни кам талаб қилувчи экинлар, шунингдек, боғ ва узумзорларни жойлаштириш сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини беради. Натижада дарё ўзанидан узоклашган сари шолчилик, сабзавотчилик, ғаллачилик, боғдорчилик кетма-кетлигида экин ареаллари шаклланади ҳамда сув етказиб беришдаги йўқотишлар 12 фоизга қисқаради.

Тахлилларга кўра, қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш орқали яқин 15 йилда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сугоришдаги сув сарфини 30 фоизгача камайтириш мумкин.

Сув танқислиги муаммосини камайтириш ҳақида гап борар экан, қурғоқчил шароитта мос яратилаётган экин уруғчилигига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бинобарин, селекциядор олимлар томонидан республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитида қурғоқчиликка чидамли, серхосил навлар яратиш бўйича тизимли ишлашлар олиб борилаётган.

Жумладан, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида пахтанинг серхосил, ташки муҳитнинг кескин ўзгаришларига чидамли, касаллик ва зараркундаларга чидамли, асосийси, сув танқислигига бардошли, тола сифати ва чиқими юқори бўлган “Султон”, “Гулистон” ва “С-8290”, шунингдек, институтининг Бухоро илмий-тажриба станциясида “Бухоро-6”, “Бухоро-102”, “Бухоро-8”, “Бухоро-10” каби навлари яратилдики, бу сув танқис жойларда ҳам юқори ҳосил олишга замин яратяпти.

Қишлоқ хўжалиги вазиридан маълум қилишларича, маҳаллий селекциядорларимиз россиялик олимлар билан ҳамкорликда ўта эрталишар “Ультра” бугўдай навини яратди. Ушбу навининг турдошларидан афзаллик жиҳати шундаки, ўта тезпишарлиги учун ресурстежамкор ҳисобланади. Яъни 1-2 марта кам сугорилиши ҳисобида 800-1500 метр куб сув иқтисод қилинади. Бундан ташқари, озик-ликанида азотнинг йиллик меъёри ўрта

пишар навларга нисбатан 20-25 фоиз кам.

Маълумки, сув сарфи бўйича шולי экинлар орасида етақчиллардан саналади. Сув танқислиги шароитида ушбу экинни етиштиришни чеклаб бўлмайди. Чунки гуруч юртдошларимизнинг асосий истеъмол маҳсулотларидан биридир.

Эҳтиёж ва имкониятларимиз бир-бирига қарама-қарши бўлиб турган мана шундай вазиятда шолнинг сув кам талаб қилувчи навлари яратилаётгани таҳсинга сазовор.

Жумладан, Шолчилик илмий-тадқиқот институтида Жанубий Кореянинг AFACI маркази билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикаси иқлим шароитларига мос, серхосил, стрессга чидамли шולי навлари яратиш” лойиҳаси доирасида тадқиқотлар олиб борилаётган.

Лойиҳа 3 босқичда амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, жорий йилга мўлжалланган биринчи босқич доирасида қурғоқчиликка чидамли, сув кам талаб қиладиган, вегетация даври қисқа шולי навлари камида 10 та нав минтақалар шароити учун танланади. Келгуси йил иккинчи босқич доирасида танланган навларнинг экологик синовлари давом эттирилиб, уруғлиги кўпайтирилади. Учинчи босқич — 2025 йилда эса шолнинг қисқа мuddати ва қурғоқчиликка чидамли навларнинг катта майдонларда уруғчилиги ташкил этилади.

Шунингдек, сув кам талаб қиладиган шולי навларига республикамиз шароитида эғатлаб сугориш усули жорий этилади. Бунда 1 гектар майдонга ўртача 6-7 минг метр куб сув сарфланади. Аънанавий усулда бу кўрсаткич 14 дан 23 минг метр кубгача эканини ҳисобга олсак, 2-3 баробар сув иқтисод қилиниши аниқлашлади.

Умуман олганда, Ўзбекистон шароитида сув танқислиги муқаррарлигидан келиб чиқиб, сув танқислиги муаммосининг олдини олиш, оқибатларини юмшатишга қаратилган катта мақсадлар белгиланмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, сув ишлатиш самарадорлиги 25 фоизга оширилиб, қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришда сув тежамкорлик технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдони 2 миллион гектаргача, ушбу мақсадларга эришиш учун эса сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий қорхоналарнинг йиллик қуввати 300 минг гектарга етказилади.

18,7 минг километр тупроқ ўзанли магистрал ва хўжаликлар оқилона қаналарнинг бетон қопламали улуши 46 фоизга етказилади. Мегиорация объектиларини қуриш ва реконструкция қилиш натижасида сугориладиган ерларда шўрланган майдонларни 1,7 миллион гектаргача камайтириш режалаштирилган.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

НУҚТАИ НАЗАР

## КАРТОШКАЧИЛИК СОҲАСИ РИВОЖИГА НИМАЛАР ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА?



Картошка дунёдаги энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулотлардан бири саналади. Айни пайтда у ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, “иккинчи нон” дея эъзозланиши ҳам бежиз эмас.

Одатда, биз қиш-баҳор ойлари картошка захирасини яратишга ҳаракат қиламиз. Шу боис, бозорларда унинг нархи ҳам ўзгариб туради.

Маълумотларга кўра, ушбу қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш бўйича Хитой, Хиндистон, Украина, Россия, Польша, Нидерландия, АҚШ, Франция, Бангладеш етакчи уринларни эгаллайди. Дунёда йилга ўртача 376 миллион 875 минг тоннадан зиёд картошка етиштирилади. Фикримизни етакчи икки давлат мисолида давом эттирадиган бўлса, бу йил Хитойда 99 миллион 875 минг 686 тонна картошка етиштирилиши қайд этилган. Жами маҳсулотни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 71,114 килограммга тўғри келади. Хиндистонда бу кўрсаткич мос равишда 43 миллион 770 минг тонна ва 32,75 килограммни ташкил қилади.

Хўш, бу борада Ўзбекистоннинг кўрсаткичлари қандай?

2022 йилда мамлакатимизда 3 миллион 441 минг 708 тонна картошка етиштирил-

ган. 2023 йилда бу кўрсаткични 4 миллион тоннадан ошириш режа қилинган. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида етиштирилган картошка эса 2 миллион 679 минг тоннани ташкил қилган. Такрорий ҳисоб картошка ҳосили эса йил-терим мавсуми тўлиқ яқунлангандан сўнг чорак якуни билан статистикада қайд этилади.

Албатта, етиштирилган ушбу ҳосил барча тоифадаги хўжаликларга, яъни кластердан тортиб, фермер хўжалигига аҳоли томорқасига қадар тегишли. Бироқ вазиятга реал қарайдиган бўлса, маҳаллий маҳсулот ички эҳтиёжни қондириши қийин. Шу боис, бозорда картошка нархини барқарор сақлаш четдан импорт қилинган картошка ҳисобига амалга оширилади. Мутахассислар бу ҳолатни юртимиздаги иқлимнинг картошка етиштириш учун қулай эмаслиги ва картошка уруғчилиги ривожланмагани билан изоҳлайди.

Маълумотларга эътибор қаратадиган бўлса, юртимизда экиш учун тавсия этилган ва қишлоқ хўжалиги экинлари давлат



реестрига (2022 йилда) киритилган картошканинг 152 та нави бўлиб, шундан 19 таси маҳаллий илмий муассасалар томонидан яратилган, қолган 133 та нав хорижий давлатларга тегишли.

Айни соҳада етакчи ҳисобланган Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида картошканинг “Тўйимли”, “Акраб”, “Диёра”, “Қўқсарой”, “Серхосил”, “Пском”, “Сарнав”, “Умид 2”, “Барака”, “Феруза”, “Боғизағон” каби навлари ихтиро қилинди ва Республикада

экиш учун тавсия этилган Давлат реестрига киритилди. “Тошкент эртасили”, “Ўзбекистон қизили”, “Қизғалдоқ” каби янги навлар синовдан ўтмоқда.

Соҳа мутахассислари фикрига кўра, уруғчиликни ривожлантириш кўпгина омилларга боғлиқ. Шу сабабдан уруғчилик картошка етиштириш қимматга тушади. Илмий муассасаларда лабораторияларнинг етишмаслиги ҳам узоқ йиллар соҳа омиллариининг энг оғирлики нуктаси бўлди. Шу сабабли юртимизда уруғчиликни

ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида картошкани юқори ҳосил олиш имконияти мавжуд, бироқ пасткекликларда ҳудуд иқлими ва тупроқ шароитига эътибор қаратиб ҳосил етиштириш лозим. Негаки, мутахассислар юртимизнинг иссиқ иқлим шароитида картошка тез вирусга чалиниши ва ҳар қандай янги уруғнинг 2 йилда ҳосилдорлиги пасайишини таъкидлайди. Шу боис, қимматга тушса-да, уруғчиликни кўпайтириш зарур. Четдан уруғ олиб келавериш масалага ечим бўлмагани аниқ. Бунинг учун ҳудудларда “in-vitro” лабораторияларини кўпайтириб, ҳосилдор картошка навларидан вирус ва бактериялардан холи уруғларни яратиш лозим.

— Картошка уруғчилигини яхши йўлга қўйиш учун ҳаракат бошланган, бунга ҳукуматимиз томонидан зарур шароитлар яратиб берилган, — дейди Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори, профессор Рустам Низомов. — Жумладан, институтиимиз биотехнология лабораториясида картошка уруғчилиги вирусдан холи “in-vitro” усулида йўлга қўйилган. Мазкур лаборатория 2022 йилда Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ, Халқаро молия институтига маблағларни ҳисобидан реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Институтида мавжуд имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланиш ҳисобида 2023 йилда 2,5 миллион дона супер элита уруғлик картошка етиштиришга эришилди.

Умуман олганда, картошка уруғчилиги бир неча босқични ўз ичига олади. Энг аввало, уруғ тозаланиб, сўнг вирусдан холи ўсимлик, ундан кейин микротуганак, сўнг мини туганак етиштирилади. Уруғчиликнинг бир неча босқичдан сўнг элита, 1-репродукция уруғлик етиштирилиб, катта майдонларга экилади.

Бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас, албатта. Мутахассис таъкидлаганидек, сифатли уруғлик картошка етиштириш учун, аввало, уруғчилик тизимини ташкил қилиш лозим, маҳаллий селекция ва уруғчиликни ривожлантириш ва соҳага сармоя киритиб, хусусий секторни жалб этиш керак.

Шу билан бирга, ҳудудларда биотехнология лабораторияларини кўпайтириш, у ерда ишлайдиган малакали кадрларни тайёрлаш зарурати бор. Қолаверса, юқорида таъкидланганидек, сифатли уруғлик материал тайёрлаш ҳам узоқ вақт давом этадиган жараён. Айни йўналишда мамлакатимизда илк кадамлар ташланган экан, демак, ҳаракатни тезлаштиришимиз зарур. Зеро, юртимизда аҳоли сони йил сайин ўсиб боришининг ўзи ҳам бу борадаги ислохотларни жасадлаштиришни кун тартибининг асосий вазифаларидан бири сифатида олдимизга қўймоқда.

**Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ахборот хизмати раҳбари



МУЛОҲАЗА

ҚАДРИЯТЛАР МАСАЛАСИДА МУРОСАСОЗЛИКНИНГ ВАҚТИ ЎТДИ

Глоблалашув тобора авж олиб, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва миллий қадриятларига таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда она тилимиз ривож, кадр-қиммати ва химояси ҳақида ҳар дақиқада жар солишимизга тўғри келяпти. Зеро, миллий ғуруримиз ва оримиз асоси бўлган тилимиз ривожига тўсқин бўлаётган муаммоларни ҳал қилишда амалий ишларга ўтмас эканмиз, эртанги ҳолатимиз бугунгисидан яхши бўлишига қафолат йўқ.

гап. Тасаввур қилинг: боланинг илк даври учун муҳим ҳаётий кашфиёти: боғчада — мулоқот, мактабда — билим бегона тилда бўлса, йилнинг 365 кунини ўзбек тили байрами сифатида нишонлаганимизда ҳам тилимиз ривожланмайди, қадриятимиз илдизларига сув бормади, аксинча, уни заифлик дунёси ўраб-чирмаб бораверади. Аччиқ ҳақиқат шундаки, бегона сўзларни тушунмаган бола илк даврдаёқ муҳим ҳаётий кўникмаларни ҳам бой бериб, ўзлигига хос бўлмаган бегона хилқатга мослаша бошлайди. Бундай ҳолатда эса тил ҳам, шу тилда сўзлашаётган бола ҳам ўзини гўё бегона олам вакилидек ҳис этади. Буюк рус ёзувчиси Лев Толстой "...ўз миллатига бегона одамдан ҳам бахтсизроқ ким бўлиши мумкин", деган экан.

Агар 30-40 йил аввал хорижий тилларда сўзлашиш қиборлик ёхуд билимдонлик сифатида кўринган бўлса, бугун тил ҳар қандай миллат ва элнинг дунё саҳнасидан жой олишининг бирламчи қалитига айланади. Сиебат, иқтисодиёт, ижтимоий соҳалардаги лугатлар, дарсликлар, турли адабиёт ва қўлланмаларнинг асли билан танишмоқчи бўлсанг ҳам дунё тан олган бирор тилни билишини шарт. Акс ҳолда, йулларинг ёпилади... Шу маънода ҳам бугун тил оддий мулоқот кўролидан ривожланиш кўролига айланади. Бу ҳолатни англамаслик мумкин эмас. Бошқача айтганда, XXI асрга келиб, хорижий тилларни ўрганиш фазилат санала бошлади. Зотан, Алишер Навоий айтганидек, тил билиш фазилатдир. Лекин буюк аллома она тилини унуттишни оқпадарлик деб атаганини ҳам унутмаслигимиз керак. Форобий 70 га яқин тилни билгани ҳақида маълумотлар бор. Шу нуқтаи назардан, фарзандларимизнинг хорижий тилларни ўрганишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Аммо бу ҳаракат ва мақсадлар она тилимиз муҳимлигини ўрганишдан кейин амалга оширилсагина мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки боланинг онг ости, ўзлигига уйғун рухий дунёси шаклланадиган илк даврини бегона тил муҳитида ўтказиш нафақат педагогик жиҳатдан хато, балки ўзликка нисбатан жиноят ҳамдир. Бу талаб нафақат ўзбеклар, балки бошқа миллат вакили бўлган ватандошларимиз учун ҳам бир хил бўлиши лозим.

лини химоя қилаётган одам бошқа тилни камситаятганга чиқарилади. Бунинг олдини олиш учун эса юқорида айтилганидек, давлат тилига муносабатни ўзгартиришимиз, тилни такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор ва ҳаракатларни изчиллаштириб, ўн қарра кучайтиришимиз шарт. Давлат тили ва унинг ривож, химояси ҳақида гап кетганда мактабларимиздан мисол келтиргим келаверида ва бу



миллий қадрияти ва миллатидан келиб чиққан ҳолда танланишига алоҳида урғу берилиши керак деб ўйлаймиз. Яна бир муҳим гап. Аини пайтда кўпгина банкларимиз ўз мижозларига рус тилида ахборот тақдим қилишда давом этапти. Бу "Давлат тили ҳақида"ги қонунни кўпол равишда бузиш демакдир. Бу ерда нафақат ўзбек тилига, балки рус тилига ҳам ҳурматсизлик кўрсатилмоқда. Чунки рус тили ҳеч қачон лотин графикасида ёзилмайди. Яъни аксарият бизнес тузилмаларимиз лотин графикасида рус тилида ахборот тарқатиш орқали ҳар икки тилга нисбатан ҳам ҳурматсизлик қиялти. Энг ёмони, шу мамлакат ҳудудида ишлаб туриб, халқнинг хоҳиш-иродаси билан қабул қилинган қонун талабларини кўпол равишда бузаяпти. Назаримда, бугун шундай ҳолатларга лоқайд муносабатда бўлаётган Монополия қўмитаси каби ташкилотлар ҳам бундан тегшли хулосалар чиқариши керак.

замонавий усқуналар, товарлардан фойдаланиш буйича қозоқ, қирғиз, ҳатто туркман тилларида тушунтиришлар бор. Ўзбек тилида эса йўқ.

Хўш, ким бунга жавоб беради, нега бу масала ечим ҳанузгача пайсалга солинган? Бу жараёни назорат қилиш учун мутасаддиларга яна қандай ҳуқуқлар керак? Айримлар бу масалада Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жазо назарда тутилганини айтаяпти. Эртага бунга ҳам ечим топамиз. Лекин тақдир этилаётган жарима билан муаммо ҳал этилмаслигини ниҳоят тушуниб етишимиз керак эмасми?

Бу ишларга Давлат тилини ривожлантириш департаменти ҳам масъул бўлиши керак. Албатта, Вазирлар Маққамаси ҳузурда бундай департаментнинг қайта ташкил этилганининг ўзи катта қадам. Маъмурий ислохотлар даврида тил департаментининг қисқаришига "Миллий тикланиш" биринчилардан бўлиб эътибор билдирган эди. Аксинча, департамент фаолиятини замонавий таҳдидлар, талаблардан келиб чиқиб янада кенгайтириш лозим. Чунки бугун натижага эришиш учун ахборот майдони ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўляпти ва афсуски, бу жараёнда имкониятларни бой беряпмиз.

Яна бир гап. Бугун фарзандларимиз тили хориж мультфильмлари орқали чиқаяпти. Бу бизда ўзбек тилидаги мультфильмлар, кўргазмалар лавҳалар, китоб ва расмий китоблар деярли йўқ, дегани. Назаримда, тил департаменти шу ва зифалар билан ҳам изчил шугулланиши лозим. Бу борада қонунчиликда қандай ўзгаришлар қилиш керак, йўл қўйлаётган қамчиликларни бартараф қилишга нималар ҳалақат беряпти?

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, тил бугун нафақат мулоқот воситаси, балки ҳар қандай миллатнинг олий қадриятига айланади. Тил аини пайтда сиебат ҳамдир. Агар қайсибир давлатни истезъмолчи ёки ўзининг маъсулотиғича, гоё ва тафаккурини гуллаб-яшайдиган ҳудудга айлантирмоқчи бўлсангиз, энг аввало, ўша халқ тилини билиш орқали фаолиятингизни ривожлантиришингиз мумкин бўлади. Худди шундай талаб Ўзбекистонда ҳам оддий талабга айланиши керак.

Боланинг онги, дунёқараш тил орқали шаклланади ва ривожланади. Шунинг учун мактабларда биринчи синфдан бошлаб давлат тилига устуворлик берилиши шарт, деб ҳисоблаймиз. 4-5-синфдан бошлаб эса болаларимиз бошқа тилларни ўргансин. Тил қачон ривожланади, қачонки миллат гапашлаётган тил қонун тилига, илм-фан, техника тилига айланса. Яъни тил кундалик ҳаётда кенг қўлланадиган тилга айланишига унга эҳтиёж бўлади. Акс ҳолда, тилимизни ривожлантиради деб қанча қуйинмайлик, бесама бўлаверадир.

Шуни қатъий англаб олишимиз керак: бугун янги Ўзбекистон қандай тез, изчил ўзгариб бораётган бўлса, тилимиз ҳам шунга муносаб равишда ўзгариши, кучайиши керак. Бунга эса ҳамма — депутатдан тортиб, энг чекка қишлоқда фаолият юритаётган устоз ва педагогларимизгача бирдек масъулдир.



Алишер ҚОДИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, "Миллий тикланиш" демократик партияси раиси

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек: "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойина ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмақдур". Демак, тил миллат борлиғини биригини, унинг ўтмиши ва бугунини акс эттирувчи қурол — қадрият. Шу боис, халқимиз уч минг йиллик давлатчилик тарихида она тили ва қадриятларини мустақамлаб, асраб-авайлаб, керак бўлса, химоя қилиб келди, минг-минглаб жадид боболаримиз ва миллат оидинлари бўлиши муътабар оналаримиз тимсолида жонини ҳам фидо қилди.

Бинобарин, биз — бугунги авлод аждодларимиз руҳи-поки олдида қарздор эканимизни англашимиз, бундай масъулият ҳисси, айниқса, тил масаласида доимо бизни безовта қилиши лозим. Гарчи бугун она тилимизда эллик миллиондан зиёд киши мулоқот қилаётгани айтилаётган бўлса-да, унинг нуфузини юксалтириш масъулияти ҳеч қачон зиммамиздан соқит бўлмаслигини унутмаслигимиз шарт. Шунинг учун ўзбек тилининг дунёдаги бошқа тиллар қаторида ривожланиши учун курашимиз, бу курашни эса ҳар биримизнинг тилимизга бўлган муносабатимиздан бошлашимиз керак.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг дунё минбаридан туриб, соф ўзбек тилида гапираётгани бу масалада жамиятга йўналтирилган ишора бўлганини қайта-қайта тақдорлаётганимиз бежиз эмас. Аммо ана шундай даъватларга қарамай, тилга муносабат масаласида хасислик, ғариблик ва ҳатто калтабинлик қилаётганимиз бор

майди, улар Яратганининг неъматларидир. Уларни авайлаш, ривожлантириш ва авлодларга безавол етказиш эса муқаддас бурчдир. Афсуски, кейинги пайтларда буюк қадриятимиз бўлган тилимиз ривожини йўқотишга муаммолар кўпайса кўпаймоқдаки, қамаймаяпти. Агар дунё тилларини ўрганасак, тез ўзгараётган технология дунёда фаол бўлган тиллар мавқеи мустақамлашаётганини кўраимиз. Аммо ўзбек тили ҳақида бундай дея оломаймиз. Айниқса, она тилимизнинг замонавий ахборот маконида рақамлаштириш билан



майди, улар Яратганининг неъматларидир. Уларни авайлаш, ривожлантириш ва авлодларга безавол етказиш эса муқаддас бурчдир. Афсуски, кейинги пайтларда буюк қадриятимиз бўлган тилимиз ривожини йўқотишга муаммолар кўпайса кўпаймоқдаки, қамаймаяпти. Агар дунё тилларини ўрганасак, тез ўзгараётган технология дунёда фаол бўлган тиллар мавқеи мустақамлашаётганини кўраимиз. Аммо ўзбек тили ҳақида бундай дея оломаймиз. Айниқса, она тилимизнинг замонавий ахборот маконида рақамлаштириш билан

майди, улар Яратганининг неъматларидир. Уларни авайлаш, ривожлантириш ва авлодларга безавол етказиш эса муқаддас бурчдир. Афсуски, кейинги пайтларда буюк қадриятимиз бўлган тилимиз ривожини йўқотишга муаммолар кўпайса кўпаймоқдаки, қамаймаяпти. Агар дунё тилларини ўрганасак, тез ўзгараётган технология дунёда фаол бўлган тиллар мавқеи мустақамлашаётганини кўраимиз. Аммо ўзбек тили ҳақида бундай дея оломаймиз. Айниқса, она тилимизнинг замонавий ахборот маконида рақамлаштириш билан




Яъни қуртимизда яшаётган ўзбек — ўзбек, тожик — тожик, қозоқ — қозоқ, рус — рус тилида ўз саводини, тилини чиқарсин. Аммо 4-синфдан бошлаб, ҳаммага ўзбек тилини билишни мажбурий, қолган тилларни эса ихтиёрий ўрганиш учун энг қулай шароитлар

уёнғунлиги жуда пастигидан жиддий хулосалар чиқаришимиз керак.

Бунинг сабабини бегоналардан — ташқаридан эмас, ўзимиздан изласак, тўғрироқ бўлади. Айтмоқчиманки, тил ҳақида гап очилди, даров лугатимиздаги миллатчи сўзи эса олинади, ўз тили

ТИББИЁТ

УМИДЛАР ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНМОҚДА



Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар, моддий-техник базанинг замонавийлашиши ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиши хавфли касалликларнинг эрта олдини олиш, оқибатларини камайтириш ҳамда вақтида даволаш имконини бермоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сўнгги йилларда дунёда саратон касаллигига чалинганлар сонини ортиб бормоқда ва у тобора ёшармоқда. Юртимизда ҳам мутахассислар бу маълумотни тасдиқлайди. Бошқа хавфли ўсмалар каби саратон ҳам одатда ўзи ўрнашган жойдаги тўқимани емириши, инсон организмнинг умумий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши, бемор ҳаддан ортиқ озиб кетиши билан хавфсиз ўсмалардан фарқ қилади. Инсон йилга икки марта тиббий кўрикдан ўтиб турса, саломатлигига бир оз салбий ўзгаришини сезди, шифокорга мурожаат қилса, бу каби касалликлар эрта аниқланиб, зарур муолажалар орқали бемор бутунлай дарддан халос бўлиши мумкин.

новли поликлиника фуқароларга тиббий хизмат кўрсатмоқда. Боиси, онкологик касалликлар, уларнинг сабаби ва оғир асоратлари, қолаверса, даволаш муолажаси ҳақида тушунча ва тиббий маданиятга эга бўлган фуқаролар мурожаати кўпаймоқда.

Умумий 95 ўринга мўлжалланган филиал жарроҳлик, кимётерапия, радиология ва паллиатив бўлимларидан иборат. — Сўнгги йилларда шифонамиз энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди, — дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти филиали директори Мамат Мавлонов. — Вилоятимизда нурилантириш аппарати йўқ эди ва бу жиҳоз ҳам яқинда келтирилди. Йил охиригача шу каби янги аппаратлар яна олиб келиниши мўлжалланган. Бу эса аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилишида муҳим омили бўлмоқда. Албатта, тиббий жиҳозлар янгилашни улар билан ишлайдиган малакали



мутахассисларга ҳам эҳтиёж туғдиради. 6 мутахассисимиз Россияда малака ошириб қайтди. 2 нафари йил якунигача Хитой ва Туркияда малака ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, ҳозир беморларни махсус ва кимёвий дорилар билан таъминлаш 92 фойзага етказилди. Аини вақтда вилоятда 35-65 ёшдаги аёллар 163 мингдан зиёдни ташкил этиб,

уларнинг барчаси скрининг текширувдан ўтказилган. Тиббий кўрикларда 119 аёлда сут бези, 37 нафаридан бачадон бўйни саратонни касаллиги аниқланиб, улар керакли даво муолажалар олмоқда. Тиббиёт масканига 2022 йилда замонавий ультратовуш аппарати олиб келинган аҳоли, айниқса, аёлларда учрайдиган онкологик касалликларни эрта

аниқлаб, ўз вақтида даво муолажаларини бошлашда яхши самара берапти. Шунингдек, ўтган йилги шифохонанинг 30 ўринли жарроҳлик бўлимига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 200 миллион сўмга жарроҳлик столи харид қилинган, беморларга хизмат кўрсатиш сифати янада ошди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан филиал учун 15 миллиард сўмга янги замонавий УТТ ва замонавий рентген аппаратлари харид қилинди. Қиймати 2 миллиард сўмлик, 20 ўринга мўлжалланган радиология ва МРТ биноси фойдаланишга топширилиши беморлар учун жуда қулайлик яратди. Боиси, Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳридагина бундай муолажалар ўтказилар эди.

Аини вақтда жарроҳлик бўлимида онкологик касалликларнинг барча турида амалиёт ўтказиш имконияти мавжуд. Бошқа турдаги касалликлардан фарқли ўлароқ, онкологик хасталикка чалинган беморлар турғидан-тўғри жарроҳлик столи олинмайди. Зарур текширув ва мудафти муолажалардан сўнггина амалиёт ўтказилади. Жонлантириш бўлими ҳам жарроҳлик амалиётидан чиққан бемор оёққа туриб кетиши учун зарур бўладиган барча шароитларга эга. Жарроҳлик амалиёти ва ундан кейинги кимётерапия беморнинг соғайиши

учун муҳим муолажа. Филиалнинг 45 ўринли кимётерапия бўлимида даволанаётган беморларнинг нигоҳларида умидсизлик эмас, аксинча, ҳаётга қизиқиш, соғайиб кетишга ишончли кўрасиз.

48 ёшли Гулнора Ашуронова мисолида қарайдиган бўлсак, 2 йил аввал ўта оғир аҳволга тушиб қолган, ҳатто ўлимини буйнига олиб, умидлари бутунлай сўнган аёл Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти филиалида шифо топди. Қонимехлик Асия Усмонова ҳам жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказиб, оғриқлардан халос бўлиб, касаллик устидан ғалаба қозongan аёллардан.

Статистик маълумотларга кўра, дунёда сут бези саратонига чалиниш кўпайган. Жорий йилда эса ҳар бир вилоят, жумладан, ушбу шифохона ҳам мобил маммография аппарати билан таъминланди. Эътиборлиси, мазкур аппаратда текширув ва ташхислаш республика миқёсида марказлашган платформа орқали амалга оширилади. Барча вилоятлардаги жараёнлар тахрибали мутахассислар иштирокида чуқур ўрганиш ҳолда кечеди. Бу касалликни эрта аниқлаш ва тўғри ташхис қўйиш орқали беморни даволашда яхши натижага эришиш учун янгича ёндашувдир.

Ғолиб Абдусаломов, "Янги Ўзбекистон" мухбири



БОКИЙ МЕРОС

АЛАЧАНИНГ АСЛИНИ
асл йиғит кияди

Саттор ҚУРБОНОВ,
“Жайхун” фольклор-этнографик
халқ ансамбли раҳбари

Бойсун юртимизнинг энг қадимий маданият ўқоқларидан бири экани археологик топилмалар ва ёзма тарихий маълумотларда ўз тасдиғини топган. Шу боис, Бойсун маданий муҳити 2001 йилда ЮНЕСКОнинг Инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси, 2008 йили эса Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатларига киритилди. Бу, ўз навбатида, Бойсун халқ маданияти ва унинг бадиий аъёнларини сақлаш ва ёзиб олиш ҳамда кенг қўламда илмий тадқиқ этиш жараёнига сабаб бўлди.

Маданий алоқалар чорраҳасида жойлашгани учун бу ҳудудда аҳолининг маданий ва маънавий салоҳияти баланд бўлган. Тоғли ҳудудда жойлашган Бойсунда қадимий қўшиқлар, рақслар ва удумлар сақланиб қолиши сабаби бу ернинг эли ўтмишдан маърифат ва санъатга ишқибоз бўлганидан, десак хато қилмаймиз. Бу ҳақда кўплаб ёзма манбалар ҳам гувоҳлик беради.

1900 йилда рус олими С.Масловскийнинг “Закаспийское обозрение” газетасида босилган мақолада тоғли ҳудудда қишлоқ борлиги, бу ерда болалар гудак-лигиданоқ созандалик, хонандалик, масхарабозлик ва рақс борасида “пир”лардан сабоқ олиши, халқнинг қадимий санъати шу йўсинда сақланиб, авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётгани ёзилган.

Ота касбига ҳурмат Шарк халқларининг ахлоқий ақидаларидан бири. Қадимдан қишлоқ ва шаҳарларда заргарлар, дегрезлар, темирчилар, мисгарлар маҳаллалари қатори санъаткорлар маҳалласи ҳам бўлган. Тарихий бұхронлар халқнинг тақдирига қандай таъсир қилган бўлса, унинг маданияти ва санъатига ҳам шундай таъсир қурсади.

Бақтрия, Сўғдиёна, Хоразм каби маданият ўқоқларида камолга етган истеъдодли муҳаббатчи чибки келди. Уз юртида қолган санъаткорлар эса тоғ қишлоқларида ҳаёт кечириб, санъаткорлар қишлоқларини яратди ва улар қадимий санъатимизни сақлаб қолишда катта ўрин тутди. Бундай санъаткорлар қишлоқлари Сурхондарё вилоятида ҳам бор эди.

Бойсун туманидаги Катариғузлар, Олтинсой туманидаги Катта ва Кичик Вахшивор, Сарийосиё туманидаги Зевар, Денов туманидаги Сина ва Ушор



қишлоқлари қадимдан санъаткорлар қишлоғи деб тан олинган ва бу аъёна ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Бойсун мусиқа фольклори аҳолининг ижтимоий-маиший ва ижтимоий-психологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда асрлар давомида шаклланди. У ўзбек халқи мусиқа маданияти элементларини сингдирган ҳолда инсоннинг оилавий ҳаёти ҳамда ҳўжалик фаолияти, дини ва

табиий ҳодисаларга дахлдор турли вази-фаларни ўзида акс эттиради. Фольклор санъати ижрочилари бўлиши хонанда ва созандалик ижодларида эстетик, мўъжизали, фусункор, ижтимоий ва коммуникатив вази-фаларни бирлаштирган. Чунки, мавзу жиҳатдан хилма-хил маросим ва меҳнат қўшиқлари, дostonлар, чолғу куйлари улар ижодининг асоси ҳисобланади.

Бойсун мусиқа санъатидаги ҳар бир қўшиқ ёки куй халқ тарихи, ҳаёти ва турмуши, ўй ва орзулари, дунёқарши ва психологияси тимсолидир. Ҳозирги кунда ҳам “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамбли, “Қуралай” болалар фольклор-этнографик намунали халқ ансамбли, Қўшқак, Авлод, Даштиғоз каби қишлоқларнинг хотин-қизлар ансамбллари мисолида фольклор жамоалар яшашда давом этмоқда. Улар миллий аъёнлар ва мусиқий-шеърый фольклорни сақлаб қолиш ва тарғиб қилиш бўйича талай ишларни бажармоқда.

карвончилар қўшиғи “Туя қадам” шулар жумласидандир. Бойсун мусиқасида барча чолғу гуруҳлари — торли, пуфлаб чалинадиган ва зарбли чолғулар иштирок этади. Иш-қалаб чалинадиган торли чолғу созлари ҳам бой ва ранг-баранг. Тут, ёноқ, ўрик, нок ёғочларидан турли катталиқда ясалган дўмбира, дутор, калта дутор, чилтор, торли-зарбли чолғу — темир чанқовуз (иллари унинг ёғоч ва сўяқдан ишланган турлари ҳам бўлган) энг кенг тарқалган чолғулардир. Зарбли чолғулар орасида доира ёки дапп энг оммабопи. Бу мусиқа чолғулари Дуоба, Омонхона, Пулҳоким, Сайроб, Қўшқак, Сарийосиё, Даштиғоз қишлоқларида, Бойсуннинг ўзида созгар усталар томонидан ясалади, улар Бойсун чолғу куйлари аъёнлари давомчилари ҳисобланади.

Бойсун мусиқа санъатидаги ҳар бир қўшиқ ёки куй халқ тарихи, ҳаёти ва турмуши, ўй ва орзулари, дунёқарши ва психологияси тимсолидир. Ҳозирги кунда ҳам “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамбли, “Қуралай” болалар фольклор-этнографик намунали халқ ансамбли, Қўшқак, Авлод, Даштиғоз каби қишлоқларнинг хотин-қизлар ансамбллари мисолида фольклор жамоалар яшашда давом этмоқда. Улар миллий аъёнлар ва мусиқий-шеърый фольклорни сақлаб қолиш ва тарғиб қилиш бўйича талай ишларни бажармоқда.

“Бойсун” ансамбли боболаримиз, мо-моларимиз қалб кўрини бериб куйлаган қўшиқларни нафақат ижро этиб, балки унга ҳозирги замон руҳини ҳам қўшиб Ўзбекистон бадиий санъатида ўзига хос услуб яратган фольклор мактабларидан биридир. Ансамбль ижоди йиллар давомида сайқалланиб, ҳаваскор жамоадан профессионал даражага чиқиб олди. “Бойсун” ансамбли ўз репертуарида қадимий этник турмуш билан боғлиқ

урф-одатлар, ўзига хос маросим ва удумларнинг бадиий-ғоявийлигини саҳнавий кўринишлар орқали янада тўлдириб, сайқал бераётди. Жамоа халқ қўшиқлари, лапарлар, ўлан ва ёр-ёрлар, алла айтушларининг айримларини сосиз, айримларини миллий мусиқа чолғулари ёрдамида ёки қадимий миллий-аъёнавий чолғулар — чанқовуз, сибизга, хуш-пуллак, қовоқногора, лойкўза ногора, дучўба, дўмбира журлигида ижро этиб келмоқда.

“Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамбли дастурларида меҳнат қўшиқлари муҳим ўрин эгаллайди. Бу тур қўшиқларида хунармандлар қўл меҳнати билан яратилган маҳсулотлар мақталган. Жумладан, косиб хунармандлар томонидан Бойсун миллий матоси бўлган алача, жанда, алифбо матоларини тўқиш жараёнида айтиладиган қўшиқлар бўлган:

Тўқ-тўқ қилиб дўқонин, бобом матоқ тўқсаган,
Алача, жанда, шойи, аслин улар тўқсаган.
Алача алача, бир жанда бир парча,
Тўқ-тўқ қилиб тўқийдир, харидори келгунча.
Алачанинг аслини асл йиғит кияди,
Алача киймаганинг юрак бағри куюди.

Хулоса қилиб айтганда, Бойсун маданияти ва санъати, “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамбли ва “Қуралай” болалар фольклор-этнографик халқ ансамблининг ўзига хос қиёфага эга бўлиши сабаби халқимизнинг турмуш тарзини, эътиқодини, миллий руҳини, характерини чуқурроқ очиб бера олишидадир. Бу йўналишдаги ижоднинг сайқалланиб боравериши миллий удум, урф-одат, маросимларга оид қўшиқлар умрбоқийлигини таъминлайди.

ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

МЕҲНАТДАН ҚАДР-ҚИММАТ
ВА ЭЪЗОЗ ТОПИБ

Аброр ОТАБОВЕВ,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг
Фаргона вилояти кенгаши бўлим мудири

Бугунги давр меҳнатқашлар манфаатини энг олий қадрият деб билган Ўзбекистон касаба уюшмалари олдига янги вази-фаларни қўймоқда.



Кейинги йилларда ушбу тизимга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилиши натижасида касаба уюшмалари нуфузи янада ошди. Мисол тариқасида айтилган бўлса, жорий йил бошидан буён Фарғона вилоятида 700 дан ортқ корхона, ташкилот ҳамда янги тадбиркорлик субъектларида касаба уюшмаси хизмати ташкил этилди.

Олдимизга қўйилган улкан ва эзгу вази-фаларни амалга ошириш, “Эл азиз, инсон азиз” деган ғояни юртимиздаги ҳар бир корхона ва ташкилотда қарор топтириш, меҳнатни фаровонлик, бахт манбаига айлантириш кўп жиҳатдан касаба уюшмаларининг самарали фаолиятига боғлиқ. Шу йилнинг ўзида 7 минг 100 нафар ишчи-ҳодим касаба уюшмалари тасарруфидаги сўхатқошларда соғломлаштирилди. Уларнинг 265 нафари ижтимоий сўғурта маблағлари ҳисобидан бепул дам олди.

Айниқса, ёш авлодга муносиб таълим-тарбия бериш, соғломлаштириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар қўлами кенгайиб, “Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш департаменти” ташкил этилди. Вилоятдаги 8 та болалар оромгоҳи департамент тасарруфига ўтказилиб, кичиктоилларнинг мароқли дам олиши билан боғлиқ зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Жорий йил ёзги соғломлаштириш мавсумида эса Фарғона вилоятидаги 11 мингдан зиёд болажон ёзги таътилни мароқли ўтказди.

Кейинги йилларда меҳнатқашлар манфаати, ҳақ-хўқуқларини тиклаш борасидаги ишлар қўлами янада кенгайди. Йил бошидан буён 165 нафар ишчи-хизматчининг меҳнатга оид бузилган ҳўқуқлари касаба уюшмалари орқали тикланди, 3 миллиард сўмга яқин иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар

айбдорлардан ундириб берилди. Корхона-ташкilotларда хизмат қилаётган 27 мингдан зиёд меҳнатқашнинг республикамиз ва вилоятимиздаги диққатга сазовор жойларга саёҳати ташкил этилди.

Фўқаролик жамиятининг фаол институти сифатида касаба уюшмаси “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва қўллаб-қувватлашда жамоатчилик назоратини олиб бормоқда. Айниқса, вилоятни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида 18 ешдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар билан юзма-юз учрашиш, банд бўлмаган 26 минг 703 нафар ишлаш истаги бор хотин-қизларни аниқлаш ва улар бандлигини таъминлаш бўйича намунали дастурлар ишлаб чиқилишида касаба уюшмаси ҳам фаол иштирок этди.

Муҳим жиҳатлардан яна бири эндиликда тизимда кўшни мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Хусусан, Қирғизистоннинг Уш ва Жалолобод вилоятлари вакиллари Фарғона вилоятига ташриф бўурди. Улар билан меҳнатга оид халқро нормаларни қўлашда мавжуд тажрибалар ўртоқлашилди. Меҳмонлар Фарғона “Автойна” МЧЖ, “Чимёв” сўхатқошда бўлди. Бу ерда ишчи-ҳодимларга яратилган шароитлар, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича қилинган ишлар билан танишди.

Тожикистоннинг Конибодом ва Қирғизистоннинг Қадамжой шаҳарларидан келган кўплаб нуронийлар вилоятимиз санаторийларида саломатликларини тиклаб, болажонлар оромгоҳларда мароқли дам олиб қайтгани ана шундай ҳамкорликнинг амалий ифодаси сифатида намоён бўлди.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДИК
МИЛЛИЙ БРЕНДЛАР АСОСИ

Айни кунларда пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ”нинг миллий кўргазмалар мажмуаси янада гавжум, янада ғаизли. Бу ерда бир-бирга ҳамоҳанг “Ипак йўлида туризм” ҳамда “Craft fair Uzbekistan” II халқро хунармандлик маҳсулотлари ва технолоғиялари ярмаркалари бўлиб ўтапти. Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрь куни қабул қилинган “Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ҳар йили “Ўзэкспомарказ” павильонларида айни шундай ярмаркаларни ташкил этиш белгиланган.

Соҳанинг 200 нафар маҳаллий, 20 дан зиёд хорижий вакиллари қатнашаётган кўргазмада каштанчилик, кулолчилик, мисгарлик, миллий либослар, ёғоч ўймакорлиги, гиламчилик, миниатюра, рангтасвир, наққошлик ва бўёқли нақшлар каби 30 дан ортқ турдаги маҳсулотлардан ташқари хунармандлик дастоғхлари савдоси ҳам ташкил этилади.

Тадбир доирасида заргар Тоҳир Муҳаммедов, кулол Абдулло Нарзуллаев, зардўз Бахшилло Жумаев, кулол Ваҳоҳов Буваев, миллий матолар устаси Ра-сулжон Мирзааҳмедовнинг маҳорат дарслари ташкиллаштирилиши ёшлар учун айни муддао бўлгани билан аҳамиятли. Кўргазманинг иккинчи куни бўлиб ўтган “Хунарманд” уюшмасининг VI конференциясида сўнгги беш йилликда эришилган натижалар ва истиқболдаги режалар кўриб чиқилди.



Novica сингари халқро ва бир қатор маҳаллий онлайн маркетплейс ва платформаларнинг тақлиф этилгани эса хунармандлик маҳсулотларимиз экспортида муҳим ўрин тутди. Халқро тадбирга хорижий сайёҳлик компаниялари, миллий ва минтақавий ташкилотлар, ассоциациялар, ваколатхоналар, меҳмонхоналар, шунингдек, давлат идоралари вакиллари тақлиф этилгани унинг нуфузини янада оширади.

Тадбир доирасида 65 ёшдан ошган, 35 йиллик тажрибага эга ва ҳамон фаолиятини давом эттираётган “Халқро хунарманд уста” мақомига эга бўлган 6 нафар хунармандни тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Айни жараёнда ёшлар тақдирланганларга ҳавас билан боқар экан, вақти келиб муносиб шоғирдлар тайёрлашни ният қилганига шубҳа йўқ.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ўқиш учун
МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар Агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1146.
43313 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Босмаҳонасида чоп этилди.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй